



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Ўзбек геология қидирув” АЖ

Бошқарув раиси

Ш.П.Алимов

2024 йил “10” маин

“Ўзбек геология қидирув” АЖning Коррупцияга қарши ички назорат бўлими бош мутахассисининг Самарқанд МГҚЭ Шимолий Нурота ДЭ 110-сон бурғилаш агрегати (иш жойида) ишчи ва муҳандис техник ходимлари иштирокида ўтказилган ўкув семинарининг
3-сонли БАЁНИ

2024 йил 25 апрель

Нурота тумани, Қизилча қ.

Маъruzачилар:

Коррупцияга қарши ички назорат бўлим бош мутахассиси К. Мажидов

Қатнашганлар:

МГҚЭ Зармитан ДЭ 110-сон бурғилаш агрегати ишчи-ходимлар жами 7 нафар.

Ўкув семинар мавзулари.

- “Акциядорлик жамиятининг Ахлоқ Кодекси”.
- Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш тартиби.
- “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғриси Низом”

ЎҚУВ МАЪРУЗАДА.

Ўкув семинарида маъruzachi томонидан тингловчиларга:

1. Ўкув семинар қатнашчилари Акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг 2023 йил 4 августдаги 01-2023-сонли мажлис қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган ““Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятининг Ахлоқ Кодекси” мазмун моҳияти билан таништирилди.

Мазкур Кодексга асосан Жамият ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кийиниш, сўзлашиш одоблари ҳамда Жамиятнинг ходимлар олдидаги одоби, хурмати кабилар тушунтирилди.

Шунингдек Ахлоқ Кодексининг тамойиллари, мақсадлари, қоидалари, ва мажбуриятлар ўқиб берилди.

Кодекс акциядорлик жамиятида касбий маданиятни ошириш ва юксалтиришга хизмат қилиши етказилди.

Одоб-ахлоқ кодексининг тамойиллари.

Акциядорлик жамияти ходимлари ўз касбий фаолиятини куйидаги тамойиллар асосида амалга ошириши шарт:

қонунийлик;

Ватанга садоқат ва хизмат вазифасига фидойилик, юкланган функционал вазифаларини түлиқ бажариш, ижро интизомига қатый риоя этиш;

фуқаролар хукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

давлат ва жамият манфаатларига содиклик;

адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

коррупциявий ҳолатларга муросасиз муносабатда бўлиш ва қарши курашиш;

хизмат сирини қатый сақлаш;

mansab vakolatlariini suyisteymol qilmaslik;


манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича тушунирилди.



2. Коррупцияга оид хукуқбузарликлар ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш тартиби бўйича маълумот беришдан олдин Жамиятнинг 2022 йил 14 январда тасдиқланган “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятига таркибий бўлинмалардан алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-харакатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти” мазмун-моҳияти, мақсадлари тушунирилди. Сўнгра 2023 йил 29 март куни 49-сонли буйруқ билан коррупциявий хатти-харакатлар ҳақида хабар берган ва бу хабар тасдиғини топганда рағбатлантиришлар белгилангани бўйича тўлиқ хабардор қилинди. Шу билан биргаликда шчи-ходимларнинг, мансабдор шахсларнинг обрўсига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ёлгон ва асоссиз хабарларни келиб тушишини олдини олиш мақсадида мазкур буйруқ билан жавобгарликлар ҳам акс этганлиги тўғрисида ўқитилди. Ҳамда ҳар қандай коррупциявий харакат ҳақида хабар берган ходимнинн

шахси сир сакланиши, кейинчалик ҳам унинг дахлсизлиги таъминланиши ва тегишли суммаларда рағбатлантирилиши таъкидланди.

Ўкув семинар қатнашчилари Акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг 2023 йил 4 августдаги 01-2023-сонли мажлис қарорининг 3-иловаси билан тасдиқланган ““Ўзбек геология қидирув” АЖнинг қоидабузарликлар ҳақида хабар қилиш Сиёсати” ўқитилди.



3. Жамиятнинг 2021 йил 27 декабрдаги ““Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти, таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низоми”, Акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг 2023 йил 4 августдаги 01-2023-сонли мажлис қарорининг 2-иловаси билан тасдиқланган ““Ўзбек геология қидирув” АЖнинг Манфаатлар тўқнашувини бошқариш Сиёсати”лари мазмун моҳияти тушунирилиб барчага эгаллаб турган лавозими ва бажараётган хизмат ваколатларидан қатъий назар Жамиятнинг барча ходимларига тегишлилиги ўқитилди.

Манфаатлар тўқнашувларини олдини олиш ёки мавжудларини бартараф этиш чоралари ва йўллари айтилди.

Ўкув семинари якунида Шимолий нурота ДЭ 110-сонли Бурғилаш агрегати ишчиларидан аноним сўровномалар олинди.

**Коррупцияга қарши ички
назорат бўлими бошлиғи**

**Коррупцияга қарши ички назорат
бўлим бош мутахассиси**

A handwritten signature in black ink, appearing to read "D. Saidahborov".

Д.Саидахборов

Қ.Н.Мажидов